



Хар кандай салтанат акл, адолат, куч пойдеворида кад тиклайди. Тангри салтанат тегирмонины юргизишни хамма халкнинг пешонасига бирдек битган эмас. Тарих бунга гувох.

Ота-боболаримиз сув бошига кўп бор келиб-кетдилар. Чарх айланиб, авлодларга хам навбат етди...

Ўтганларнинг изини ёдламай, оккан дарё ўзанлардан сувни кайта окизмай, куч-кудратни тиклаш огир...

Яна айтадиларки, “эскини эсламок савоб”. Эски биргина эскилиги учун ёдланса, эскилигича қолади. Мерос кайта тикланиб, авлод “кон”ига пайванд килинса, янгиланади. Чинакам отамерос мулкка айланади. Биз бу ўринда салтанат пойдеворининг мухим таянчи – куч ва унинг акл-заковат, тадбиркорлик билан уйғунлиги хусусида сўз юритмокчимиз.

Салтанат кучи аввало шижоатли, жасур аскарларда намоён бўлади. Соhibкирон Амир Темур жахонгирликка киришганда ёдида махкам сақлаган тўрт нарса каторида лашкарнинг ўзагини ташкил этган уч юз ўн уч хос аскарини алоҳида таъкидлаб айтади: “...уч юз ўн уч асл зотли, шижоатли ва акл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Бирлик иттифокда шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг максадлари, раъйлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни килайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар”.

Амир Темур бул хос йигитларининг тенгсиз жасоратлари хақида ўз “Тузуг”ида кўп бор тўхталиб, улар сараларидан сараланган “... акл-хуш эгалари, базму разм шерлари, махоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди”, деб таъкидлайди. Соhibкирон буйруғи билан уларнинг юзтаси – ўнбоши, юзтаси – юзбоши, юзтаси мингбоши, яна ўн иккиси амир, бири амир ул-умаро этиб тайинланган.

Амир Темур хамиша шижоатли кишиларни ўзига дўст тутди, ардоклади. Яхшиларига – яхшилик килди, ёмонларини ўз ёмонликларига топширди.

Тарихчилар Амир Темурнинг озгина аскар билан душманларининг кўп сонли лашкарини енгиб, калъаларни олганлигини катор мисолларда ёзиб қолдирганлар.

Сохибқирон аскарларидаги хайратомуз куч-қудратнинг сири нимада? Айни савол хаммани кизиктириши табиий. Бу сир, аввало, саркарданинг тадбиркорлиги, қолаверса, аскарларнинг кучлилиги ва ишончларида эди. Сарбоз кучи ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Куч йигилса, ишонч тугилади. Ишонч галабани таъминлайди. Кучга эришиш учун куч берадиган илмни билиш керак. У қандай илм ўзи? Амир Темур лашкарида шундай илм бўлганми? Йўқ, деб айтишга тарих, боболаримиз кўрсатган жасоратлар, қолаверса, Амир Темурнинг ўз ҳаётида кечирган суронли воқеалар имкон бермайди. Сохибқирон шонли юришлари аввалида кечган Алибек туткинидан озод бўлган пайтларини эслаб айтади: “Кучли ва чаккон билаларим иш бериб, сокчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олдим-да, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди”. Қуролсиз тутқун хушёр турган сокчи қиличини тортиб олиб, бутун тўпни бир ҳамлада тум-тарақай қилиши учун қанчалик мохир жангчи бўлиши керак?

Қўллар ўз-ўзидан чаккон ва қучли бўлмайди. Қучни қуч илми пайдо қилади, маҳоратга пайваста этади. Салтанатлар қуч илми сохиби бўлмиш лашкарли сардоргагина насиб этган.

Амир Темур салтанат тузган экан, лашкарининг қучу қудратини дўсту рақиб тан олган экан, ўзи ва лашқари қуч илмидан хабардор бўлиши шарт эди. Лекин аниқ ёзма маълумотлар йўқлиги бизни иккилантиради. Айни пайтда қуч илмини ёзиш, бегоналарга ўргатиш ёсоқ бўлганлигини, ота ўғлига, устоз шогирдигагина бор илмини мерос қолдириш анъанасига қатъий амал қилинганлигини ёдласак, қўлёзма манба ахтаришдан кўра халқ хотираси ва қон ёди (генетик хотира) кўпроқ маълумот бериши мумкинлигига амин бўламиз (ўзбек қурашчилари ва боксчилари, жанг санъати вакилларининг халқаро галабаларининг бир асоси қон ёдида турибди).

Айтадилар: “Бор йитмас, йўқни йўндириб бўлмас!”.

Қадим туркий жанг санъати “Минг аскар” устаси – Машарип (Машраб) Жуманиёзов – уста Маджу билан суҳбатлашиб, халқимизда бутун борлик моҳияти билан уйғун, фалсафий мифологик дунёқарашлар асосида шаклланган, қатъий тизимга эга – бир аскарга минг аскар қучу қудратини берувчи жанг илми бўлганлигини билдик.

Уста Маджунинг ота-боболари – “Жума учар”лар авлоди бу илм сирларини авлоддан-авлодга ўтказиб, шу қунгача сақлаб қелишган. Уста Маджу айтади: “Жанг санъати уч тумор (халқа), ўттиз уч йўл, бир бутун тизимдан иборат. Хар бир йўл ичида ўз усуллари бор. Хисоблаб чиқилса, роппа-роса минг усул ҳосил бўлади. Бир қиши шу минг усулни ўрганса, “Минг аскар”га тенг қелувчи, хар қандай салтанатга таянч енгилмас қучга айланади”. Минг аскар мақоми сохиби бўлади.

Аклга бўйсунмаган дали куч бузгунчилик келтириши мумкин. Ота-боболаримиз бу хатарли офат зарарини яхши англаб етганлар. Шу сабабли тан ва рух тарбиясини уйгунликда, вобасталикда олиб боришган. “Минг аскар” жанг санъати тизимида ана шу уйгунликнинг мукамал кўриниши намоён.

Эътибор беринг: уч халка – 1-тонг отиши, 2-туш вакти, 3-кун ботиши. Тумор (халкалар)нинг жойлашуви Амир Темур байрогидаги уч халка тасвирига ҳам мос келади. Ўттиз уч йўл эса ушбу уч халка теварагига куёш чикиб ботгунига кадар вақт оралигида бир-бир жойлашади.

“Минг аскар” жанг йўлларининг тартиби: 1. Товус тонги. 2. Шамол килич. 3. Аскарлар ўйини (1). 4. Канотли пичок. 5. Тепа кўз. 6. Соя ўйин (1). 7. Ёввойи от. 8. Кўша таёк. 9. Курол ўйин (1). 10. Оловли йўл. 11. Аскарлар ўйини (2). 12. Чаён химояси. 13. Ялтирок килич. 14. Сехрли таёк. 15. Довюрак лочин. 16. Енгилмас асо. 17. Кайсар курол – жабр курол – кайтар курол. 18. Захарли найза. 19. Оловли бархан. 20. Олтин курол. 21. Кўша килич. 22. Бўри ови. 23. Аскар ўйин (3). 24. Йилдирим килич. 25. Курол ўйин (2). 26. Кирк оёк. 27. Темир тирсак. 28. Соя ўйин (2). 29. Учар ханжар. 30. Белбог килич. 31. Аскар ўйин (4). 32. Аждархо кахри. 33. Тошбака – темир калкон.

“Минг аскар” жанг санъати усулларининг биринчиси “Товус тонги” деб номланиши бежиз эмас. Одатда кеча-кундуз фикри-ёди жанг билан бўлган аскарнинг кўзи конга тўлиб, тап тортмай хаку нохакни янчиб, йўк килиб кетиши ҳеч гап эмас. “Товус тонги” машки аскарни сокинлаштиради, хаёлларини тинитади. Кўнглида бутун борлик билан бирлик хиссини уйғотади. Аскар борлик билан уйғунлашади. Бир сўз билан айтилса, ҳар бир аскар жаннат куши – товусга эврилади. Навбатдаги машқлар шу сокин асосга қурилиб, аскар машқлар зинасидан бир-бир кўтарилиб борган, ўттиз иккинчи машқ “Аждархо кахри”га етганда енгилмас кудрат касб этган. Сўнги машқ “Тошбака – темир калкон”ни эгаллаган аскар тани ва руҳида йигилган кучни жамлаб, бир калъа қуриб, ҳар бир қадамини билиб босувчи, рақибига заррача устунлик имконини қолдирмайдиган, сокин, доно алп сифатида тунги оромга кетган.

Сохибқирон Амир Темур даврига келиб “Минг аскар” жанг санъати оммавий тус олган. Амир Темир ўнбоши, юзбоши, мингбоши, амирларни тайинлашда номзодларнинг канча жанг усулини билишига ҳам алоҳида эътибор берган. “Минг аскар” жанг усулини мукамал билиб, жасорат кўрсатган жангчилар махсус ўн мушт узунлигида, калинлиги отнинг кўзидек келувчи, оғирлиги беш кило чиқадиган олтин курол билан тақдирланган. Бу курол билан ҳар қандай ҳамладан химояланиб, ҳар қандай жангчини мағлуб этиш мумкин бўлган. Чунки минг усул сохибида бу олтин ярок сехрли кудрат касб этган. Унга жангчининг насли, тугилган жойи, кўрсатган жасоратлари ёзиб қўйилган.

Олтин – кудрат берувчи маъдан.

Олтин курол жангчини товуснинг ҳолатига солган. Товуснинг жаҳли чикмайди. Шунча зеб-зийнати, гўзаллиги бўлса-да, секин юради. Жангчи ҳам оғир-босик бўлса, вазиятнинг ҳоҷасига айланади. Олтин куролнинг сехрли кучи ҳам шунда.

“Минг аскар” жанг санъати машкларини оммавий ўтказиш, урушда кўллаш тартиби ҳам бу санъатга асос қилиб олинган товус табиати, хатти-харакатларига уйгун келади. Эътибор берилса: товуснинг патларини ёйиб-йигиб ўз гўзаллигини намойиш этиши, бошини сарак-сарак этиб атрофни синчиклаб кузатиши минг аскар жангчиларининг сардорлари етакчилигида душман тўпига хужум қилишлари, жанг олиб боришларига улгу қилиб олинган.

Уста Маджу тез-тез қайтарувчи яна бир гап бор: “Қадим туркий жанг санъатининг “минг аскар” деб аталишига сабаб унда минг жанг усулининг борлигигина эмас, бу бир аскарнинг минг усулни эгаллаб, минг аскарга айлана олишига ишорадир. Бир усулни билганга аскар деганлар. Ўн усулни билган – ўн аскар, юз усулни билган – юз аскар, минг усулни билган эса минг аскар аталган”.

“Минг аскар” жанг усуллари фақат урушиш йўл-йўриги эмас, айна дамда мустаҳкам соғлиқ, жисмоний-рухий қувват машқларидир. Бу машқларни мунтазам равишда бажарган киши соғлом бўлган, умрига умр қўшилган. Кони тозариб, руҳи қамолот босқичларига қўтарилган. Шундай экан, “минг аскар” жанг санъати усулларини тўлиқ қайта тиклаб, оммалаштириш бугунги кун учун, халқ ва авлодлар саломатлиги, рухий юксалиши учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон аскарларини “Минг аскар” мақомида қўрайлик, дунё шундай танисин!

Шомирза ТУРДИМОВ

филология фанлари доктори, фольклоршунос олим